ВИЛОЯТИМИЗ БЎЙЛАБ БОШЛАНГАН ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИСИ ҚЎҚОН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ

Фуқаролар муаммолари билан самарали ишлаш, ечимини кутаётган масалаларни “маҳаллабай” ўрганган ҳолда жойида ва тезкор ҳал этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, 5-11 май кунлари вилоятимиз шаҳар ва туманларида 20 дан ортиқ вазирлик ва идоралар, секторлар ҳамда вилоят ташкилот раҳбарлари иштирокида оммавий қабуллар ўтказилиши ҳақида хабар бергандик (https://t.me/fvhokimligi/11272).

Бугун ушбу оммавий сайёр қабулларнинг дастлабкиси Қўқон шаҳрида, Қўқон университети ҳовлисида ўтказилди.

Судьялар Олий кенгаши, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Соғлиқни сақлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш, Фавқулодда вазиятлар, Қурилиш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Халқ таълими вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Марказий банк, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Автомобиль йўллари қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги каби қатор идора раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари Қўқон шаҳри, Бешариқ, Данғара, Ўзбекистон ва Фурқат туманидан келган фуқароларнинг мурожаатларини тегишлилиги бўйича кўриб чиқдилар.

Оммавий қабулларнинг навбатдагиси эртага 6 май куни Бағдод туманида, Конизар нуронийлар боғида соат 10:00 да бошланади.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-05-05 19:45:42